O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 12 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 54 (7249)

Da'vat

Ўз қадр-қимматини англаш ақлли одамни янада камтарин, шунинг билан бирга янада саботли қилади.

Филипп ЧЕСТЕРФИЛД

Ibrat

"Ўзбекшахтақурилиш" ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари томонидан Ангрен шаҳрида янги, 900 ўринга мўлжалланган касб-ҳунар коллежи жадал суръатларда қурилмоқда. Даргоҳнинг янги ўқув йилида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ — МИЛЛИЙ ИФТИХОР БАЙРАМИ

10 июль куни Оқсарой қароргоҳида Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, зиёлилар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Халқимиз яқинда истиқлолимизнинг тўққиз йиллик байрамини тантанали равишда нишонлайди. Ҳозир бу табаррук байрамга бутун мамлакатимизда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда – янги иншоотлар қуриб битказилмоқда, турфа хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, куни кеча пойтахтимизда ўтказилган "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" деб номланган санъат фестивали кўпчиликка жуда манзур бўлди.

Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик байрами муносабати билан амалга оширилаётган айрим тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларидан қониқмаётганини таъкидлади. Уларнинг аксариятида қуруқ расмиятчилик руҳи сезилиб туради. Энг улуғ, энг азиз байрамимизга тайёргарлик кўрилаётган пайтда устувор миллий ғояларимизни ҳиссиз гап-сўзлар, шиорбозлик, таҳлилдан холи кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар билан обрўсизлантириб қўймаслигимиз лозим, деган фикр йиғилишнинг асосий мавзуини белгилаб берди.

Бугун қуруқ расмиятчиликдан қутулишимиз, халқнинг, айниқса, ёшларнинг дилига йўл топиб бора оладиган тарғибот усулларини излаб топишимиз лозим, деди Юртбошимиз. Айримлар айтаётганидек, халқимиз мустақилликни осонликча қўлга киритгани йўқ. Уни миллатимизнинг гули бўлган не-не асл ўғлонларнинг тўккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлар эвазига қўлга киритдик. Халқимиз ҳеч қачон ўзга юртлардан келган босқинчилар олдида бош эгмаган. Бунинг учун Александр Македонскийга қарши курашган Спитаменни, араб босқинчилари билан олишган Муқаннани, дунёнинг ярмини истило қилган мўғул босқинчиларига қарши сўнгги нафасигача жанг қилган Жалолиддинни, мўғулларни юртимиздан ҳайдаб чиқариб, дунё халқларини бу зулмдан қутқариб қолган буюк бобокалонимиз Амир Темурни эслашнинг ўзи кифоя. Истилочиларга қарши кураш яқин ўтмишда ҳам тўхтамади. Жадидлар ҳам шу йўлда шаҳид кетдилар. Ҳатто, шўролар тузумининг охирги ҳамласи бўлган саксоннинчи йиллардаги қатағон пайтида ҳам миллат шаъни учун курашган ватандошларимиз кўп бўлди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ёш авлодга ўша аждодларимизнинг жасур сиймосини кўрсатиб бериш, оталар қалбидаги жасорат туйғуларини уларнинг руҳига ҳам сингиришдан иборат. Зотан, мамлакатнинг буюклиги унинг иқтисодий салоҳияти, ҳарбий қудрати, аҳолисининг сони билангина ўлчанмайди. Мамлакатнинг буюклиги халқининг руҳи, миллатининг эътиқоддаги собитлиги билан ҳам белгиланади.

Юртбошимиз ўз сўзида Мустақиллик байрами муносабати билан бошланган ишлар 1 сентябр арафасида бошланиб, сўнг тўхтаб қолмаслиги, доимий равишда давом этиши лозимлигини уқтирди. Шу йўлда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларини таҳлил қилар экан, Президентимиз бу борадаги асосий йўналишларга йиғилиш аҳлининг алоҳида эътиборини қаратди.

Аввало, мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳадя этилган неъмат эмас. Уни халқимиз ўз эрксевар фарзандларининг қони эвазига қўлга киритганини янада яхшироқ тушунтириб беришимиз даркор. Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Иккинчидан, кишилик тарихида ўз истиқлолининг қадрига етмаган халқлар, элатлар ва миллатлар кўп бўлган. Истиқлолни сақлаб қололмаганлар тарих саҳифаларидан бутунлай ўчиб кетганини, эркини асраб қолган миллатлар эса шаън ва шавкатда тенгсиз юксакликларга кўтарилганини ибратли мисоллар воситасида халқимизга етказишимиз лозим.

Учинчидан, миллий давлатчилигимиз, тараққиёт ва эрк учун курашган фарзандларини халқимиз янада яхшироқ билиши лозим. Улар ҳақида теран мақолалар ёзилиши, китоблар чоп этилиши, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланиши муҳим вазифадир. Бундай буюк аждодларимизни фарзандларимизга яхшироқ танитишнинг янги йўлларини излашимиз керак. Токи ўқитувчи: "Мана, болалар, боболаримиз қандай буюк инсонлар бўлишган!", деб фахр билан айта олсин.

Тўртинчидан, мустақиллик Ватанимизга нималар берди, халқимиз учун қандай янги имкониятлар очди каби саволларнинг жавобини аниқ ва тушунарли кўрсатиб беришимиз даркор. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эришилган беқиёс ютуқларни тарғиб-ташвиқ қилиш шундай воситалардан биридир. Айни чоғда, биз фақат мустақиллик туфайлигина ўз заминимизга, эркимизга, муқаддас динимизга қайта эга бўлдик. Қолаверса, бизни фақат мустақилликдан кейингина дунё таниди, тўла тан олди.

Бешинчидан, мустақиллигимизга бугун кимлар ва нималар таҳдид соляпти, деган саволнинг жавобини ҳам тўла англаб олишимиз керак. Зотан, асосий, кўзга кўринмас хавф ўзимизнинг ичимизда эканлигини аксарият ҳолларда сезмаймиз. Унинг номи маҳаллийчилик, уруғчилик, баъзан бировнинг ютуқларини кўролмаслик каби иллатлардир. Самарқанду Хоразмнинг бетакрор ёдгорликларини, Нурота тоғларида куйлаётган бахшиларни, Сурхоннинг ажиб шаршараларини, Фарғона водийсию Тошкент боғларини, қорақалпоқ ўланларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси: "Шуларнинг ҳаммаси – бизники!" деб фахр билан айта оладиган даражага етганимизда биз бир бутун ва енгилмас миллат, халқ бўлдик, деб ғурурлана оламиз.

Олтинчидан, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини одамлар қалбига сингдиришнинг янгича йўл ва усулларини, тарғибот механизмини топиш лозим. Қуруқ расмиятчилик билан энг эзгу ғояларни ҳам обрўсизлантириб қўйишимиз, кутилган натижага эмас, унинг аксига эга бўлишимиз мумкин.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, Ўзтелерадиокомпания раиси А.Кўчимов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, республика "Маънавият ва маърифат" кенгашининг масъул котиби А.Болиев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири.

Istiqlol g'unchalari

"УМИД"ДАН УМИДЛАР

Ўзбекистонга — ўз она юртига соғинч туйғуси билан қайтиб келган "Умид" жамғармаси совриндорлари яқинда шарқшунослик институти биносига жам бўлишди. Дунёнинг ривожланган давлатларида таҳсил олган йигит-қизларнинг кўнгилларидан нима кечаётган экан?

Уларга берилиши мумкин бўлган бу саволга жавоб бир хил мазмунда бўлади: "Бизга кўрсатилган ғамхўрлик Ватан тараққиёти учун ўн ҳисса бўлиб қайтиши керак".

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахрор Ғуломов АҚШ, Англия, Испания, Голландия, Италия шаҳарларидаги ўқув юртларининг бакалавриат, магистратура босқичларини тугатиб келган ўзбекистонлик ёшларга қарата шундай деди:

— Сизга ҳавас билан қараб турган тенгқурларингиз кўп. Улар билан сиз ўрганиб, билиб келганларингизни баҳам кўришларингиз лозим. Сиз шуни унутмангки, бошқа давлатда таълим олиб келишингиз учун бутун сарф-харажатлар ҳукумат ғазнасидан тўланди. Сизнинг ўзингизга кўрсатилган меҳрибонликка жавобан фидоийларча, фаол ҳаракат қилишингиз талаб этилади.

Учрашувда "Умид"чиларнинг олий ўқув юртларида дарс беришлари маъқул деб топилди. Улар бор билим ва маҳоратларини талабаларга беришлари лозим. Бакалавриатни хорижий давлатларда тугатган йигит-қизлар магистратурада, магистратурани тамомлаганлар аспирантурада ўз билим ва малакаларини оширадиган бўлдилар. Зеро, "Умид"дан умидлар кўп.

М. ДАРҲОНОВ

JUMLADA JAHON

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Республикаси мудофаа вазири Ален Ришарни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдан ташқари Пленумида «Судларни ихтисослаштириш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан товарларнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2000 йилда ҳўл мевасабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари матбуотда эълон қилинди.

• Сўнгги кунларда Болқон ярим оролида ҳаво ҳарорати 40-45 даража атрофида сақланиб турибди, синоптикларнинг билдиришича, яқин кунлар ичида бу кўрсаткич 50 даражагача етиши мумкин.

• Покистон ва Ироқ ҳукуматлари ўртасида нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш ҳамда янги конларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим қабул қилинди.

• Япония парламентининг иккала палатаси ўтказган алоҳида ялпи мажлисларида Иосиро Мори мамлакат бош вазири этиб сайланди.

• Бутан қироллиги миллий ассамблеяси (парламенти) мамлакат тарихида илк бор террорчи гуруҳларга қарши курашда армия кучидан фойдаланиш ҳақида резолюция қабул қилди.

«Oltin humo» — 2000»

САНЪАТ ОШУФТАЛАРИ

Марказий зобитлар саройида олтинчи бор Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги мактабгача таълим муассасаларининг «Олтин ҳумо» болалар ижодий фестивали ўтказилди. Фестивалда тумандаги 73 та болалар боғчасидан 28 таси иштирок этди. Унда икки ёшдан етти ёшгача бўлган 210 нафар санъат ихлосмандлари ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Анжуманда иштирок этган жамоа ҳамда алоҳида чиққан тарбияланувчилар Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқат ҳамда ота-онага иззат-ҳурмат дастлаб боғча ёшидан бошланаётганини ўз қўшиқлари, рақслари ҳамда ижро этган куйларида моҳирона намойиш этдилар.

Шодиёнада Сардор Саидов (47-боғча) солистлигидаги «Ўзбекистон», Диёра Турсунованинг (307-боғча) «Шаршара», Шодия Мелибоеванинг (479-боғча) «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Биз аскармиз» (173-боғча), фольклор ансамбль (304-боғча) ижросидаги терма миллий халқ қўшиқлари, Муниса Шермуҳаммедованинг (331-боғча) «Шўх қизча» рақси, Феруза Ғиёсова (218-боғча) ижросидаги «Дутор баёти», халқ чолғу асбоблари ижросидаги (304-боғча) «Ёмғир ёғалоқ», дуторчи қизлар ансамбли ижросидаги (366-боғча) «Қари наво» куйлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

«Олтин ҳумо» болалар ижодий фестивалини ўтказишдан мақсад, боғчалардаги болаларнинг илк иқтидорларини аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш, шунингдек, Успенский мусиқа мактаби, «Томоша», «Юлдузча» ансамбллари, қўшимча таълим марказларида ўқишни давом эттиришдан иборатдир. «Олтин ҳумо—2000» болалар ижодий фестивали ғолиблари Сардор Саидов ҳамда Мадина Эргашевалар Успенский мусиқа мактабига ўқишга кирдилар.

Байрам шодиёнасида қатнашган фаол болалар боғчаси жамоалари ҳамда тарбияланувчилар туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиғи ва туман ҳокимиятининг эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратларда «Олтин ҳумо—2000» болалар ижодий фестивалидан лавҳалар акс эттирилган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Ўқитувчи ёш дафтарига

АҚЛ БОШДА

Хоразмлик Даврон Матрасуловнинг узлуксиз изланишлари хайрли натижа билан тугади. Ёш олимнинг номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация иши олимлар ҳайъати томонидан фан доктори илмий даражасига лойиқ деб топилди. Даврон Матрасулов 28 ёшида шундай катта илмий даражага эришди ва мамлакатимизда энг ёш фан доктори бўлди.

ЎЗИМИЗНИНГ ВЕЛОМОБИЛЬ

Ўзбекистонлик ихтирочилар Баҳром Қосимов ва Сайдулла Бобохоновлар яратган ўзига хос митти юк машинаси учун патент берилди. Икки тезликка эга бўлган мазкур "веломобил" мускул кучи ёрдамида ҳаракатга келади.

Фермаларда, томорқаларда, сервис хизмат кўрсатувчи пунктларда, кичик миқдорда мол ташишда мазкур экологик соф транспорт тури бағоят қулайдир.

НОЁБ ЖАРРОҲЛИК

Исроилда амалга оширилган янги жарроҳлик операцияси туғма кар болаларнинг эшитиш қобилиятини тиклаш имконини бера олиши билан ноёб ҳодисадир. Янги услуб кам вақт талаб қилиш ва мушкул оқибатлар келтириб чиқармаслиги билан олимлар эътиборини тортмоқда.

ИНТЕРНЕТДАГИ ФОТОСУРАТЛАР

АҚШнинг фазовий тадқиқотлар агентлиги хайрли ишга қўл уриб, Марс сайёраси билан боғлиқ йигирма мингдан зиёд фотосуратни Интернет тармоғига киритди. Марс ҳақида тасаввур берувчи ушбу суратлар "Марс глоубал сервейор" станцияси томонидан ишланган.

ЭЪТИБОР

БОР ЖОЙДА

Андижон вилояти Булоқбоши тумани ҳудудида жойлашган «Энергетик» оромгоҳида бизни ушбу маскан раҳбари Лидия Шерматова кутиб олди. Мақсадимизни англаган Лидия опа бизни оромгоҳдаги мавжуд шарт-шароитлар билан таништирди. 5 гектар ер майдонини эгаллаган бу ҳудудда барча мевали ва манзарали дарахтлар йўлакларга, ошхона айвони, ётоқ бўлмалари деразаларига соя солиб турибди.

Оромгоҳ 270 нафар ўқувчини 2-смена учун қабул қилибди. Ошхонадаги саранжом-сарištалик, стол-стулларнинг янги ва бир хиллиги, истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг калорияга бойлиги ва турли хиллиги бизни қувонтирди.

— Бу оромгоҳ 1973 йилда ташкил топган. Дастлаб, бу ерда тарбиячи бўлиб иш бошлаганман. Мана 27 йилдирки, бу даргоҳда меҳнат қилиб

Ёз фасли болалар учун бир жиҳати билан севимли. Бу фаслда болажонлар таътилда бўлишади. Кимдир узоқ қишлоқ ёки шаҳардаги қариндошларникида, яна кимдир сўлим гўшаларда ҳордиқ чиқаради, саломатлигини тиклайди.

Ёзги таътилда мактаб ўқувчиларининг дам олишларини, уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишларини ташкил қилиш, дилбандларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериш бугунги кунда таълим ходимлари зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди.

Ҳар жиҳатдан соғлом, ёзги дам олишда мароқли ҳордиқ чиқарган ўқувчи, ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошлайди. Муҳими, бўш вақтини бекор ўтказмай, ундан унумли фойдаланади. Жуда кўп нарсани теранроқ англашда, болалар оромгоҳларида ўтказиладиган турли тадбир ва кечаларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамиятини тушуниб етади. Лекин бу борада ютуқлар билан бирга камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас.

кам бўлмадим. Қўлимиздан келган барча шароитларни яратиб, болажонларнинг яхши дам олишларини таъминлаш бизнинг вазифамиз. Бу масканда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар дам оладилар, турли соғломлаштириш муолажаларини оладилар.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани халқ таълими бўлимида бўлганимизда, улар туманда 1 та оромгоҳ фаолият юритаётганлигини, унда 192 нафар ўқувчи дам олаётганлигини айтишди.

Таътилнинг ярми ўтган бўлса-да, ҳали мактаблар қошида ёзги со-

ЙЎҚ ЖОЙДА...

ғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳлари очилмаган экан. Туман халқ таълими бўлими мудири А. Деҳқонов буни қуйидагича изоҳлади:

— Шу кунларда туман ҳокими номига хат ёзиб, тумандаги 8 та мактаб қошида оромгоҳ ташкил қилиш ниятидамиз. Туман ҳокими жамоа хўжаликлари раҳбарларига ушбу оромгоҳларга ҳомийлик қилишни топширади. Очилажак оромгоҳларда 1000 нафар ўқувчи дам олади. Бундан ташқари 850 нафар ўқувчи «Меҳнат-роҳат» оромгоҳларида бўлишади.

Тумандаги «Роҳат» номли дам олиш оромгоҳига кириб бордик. Кундузги дам олиш вақти бўлса-да, баланд овозда магнитофон қўйилган. Ҳали сувга тўлмаган сузиш ҳавзасида ёши катта, бегона йигитлар чўмилмоқда. Бир болакай водопровод тагида бош ювмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Бироқ, жуда кўп абитуриентлар ўзларига репетитор ёки ўқитувчи ёллаб, улардан тайёр жавобларни олишиб, қуруқ ёд олиш йўли билан тест жавобларини ўзлаштириш йўлини танлашмоқда

Танлов натижаларига кўра, амалий машқлардан "аъло" баҳо олган, назарий билимлари юқори баҳоланган ғолибларга ҳайдовчилик гувоҳномалари топширилди.

Ma'rifat

ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

БОР ЖОЙДА

Шиоримиз — «Баркамол, соғлом, етук авлодни тарбиялаш». Оромгоҳимизда тиббий хизмат яхши йўлга қўйилган. Услубий адабиётлар, етакчи ва тарбиячилар билан халқ таълими бўлими таъминласа, озиқ-овқат, дори-дармон, хуллас иқтисодий масалаларда ҳомийимиз «Андижон электр тармоқлари» ташкилоти катта ёрдам беради, — дейди М. Шерматова.

Бу ерда ишлаш истагини билдирганлар танлов асосида саралаб олинади. Жуда кўп ходимларимиз олий маълумотли ўқитувчилардир.

Ўша куни болалар ҳузурига «Хўжа Насриддин» ташриф буюрди. Бош етакчи Гулнора Усмонова 18 нафар тарбиячи билан ҳамкорликда ушбу тадбирни жуда қизиқарли ва жонли қилиб ўтказди. Ўқувчилар Хўжа Насриддин ҳаётидан қизиқарли саҳна кўринишларини намойиш этишди. Ўйин майдони куй-қўшиққа тўлиб кетди.

Сифатли егуликлар, мусаффо сув ва ҳаво, тарбиячиларнинг алоҳида эътибори бу ерда дам олаётган ўқувчиларнинг янги ўқув йилига кўтаринки кайфиятда боришларига замин яратмоқда.

ЙЎҚ ЖОЙДА...

Салом-аликдан сўнг, оромгоҳ раҳбари М. Саидовдан: «Болалар совуқ сувга бош ювиб, касал бўлиб қолмайдими? Оромгоҳда душ йўқми?» — деб сўрадим. Дам олиш вақтида ўғил-қизларнинг ухламай ҳовлида юришлари ҳам мени ажаблантирди. Болалар дам оладиган хоналар иссиқ, чойшаблар яхши оқармаган, баъзи болалар тушликда шўрва ичдик, деса, баъзиси мастава деди, яна бири шавла еганини айтди. Оромгоҳ ҳудудида болаларни ватанпарварликка чорловчи, оромгоҳ ҳақида маълумот берувчи ҳеч қандай нарса йўқ. Маънавият ва маърифат хонасига эса кундалик нашрлар келтирилмаган, бир-икки дона китоблар номигагина қўйиб қўйилгани билиниб турибди.

— Туман халқ таълими бўлимига қарашли бўлсак-да, иқтисодий муаммоларимиз билан «Агропром» шуғулланади. Кейинги йилда оромгоҳ бошқа ҳудудга кўчирилмоқчи. Ҳозир қийинчиликлар бор, — дейди оромгоҳ раҳбари.

Оромгоҳдан қайтиб, туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари А. Раҳимовга учрашганимда, у киши муаммога маблағ етишмаслигини рўкач қилди. Бизни бир нарса ажаблантирди. Наҳотки, катта-катта ташкилот ва корхоналари, жамоа хўжаликлари бор туманда биргина, фарзандлари яйраб дам оладиган, дўст орттирадиган, чиниқиб, соғломлашадиган оромгоҳга маблағ топилмаса?

Шарифа МУРОДЖОН қизи,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ДИЛТОРТАР МАСКАНЛАР

Баланд тоғлар қучоғида жойлашган «Хонжиза» болалар оромгоҳи ўзининг сўлим табиати билан кишини мафтун этади. Ана шундай ажойиб гўшада яйраб ҳордиқ чиқараётган болаларни кўриб ҳар қандай ота-она ҳам хурсанд бўлади.

— Оромгоҳда болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун табиат инъом этган мўъжизадан ташқари барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Ўтаётган ёз давомида оромгоҳимизда мингга яқин болаларнинг дам олишларини режалаштирганмиз, — дейди оромгоҳ бошлиғи Ҳабибулло Исматов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Июнь ойида 150 нафар болалар мароқли дам олиб ота-оналари бағрига қайтишди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда соғлом авлод йили муносабати билан Сурхондарёдаги энг баҳаво ва кўркам оромгоҳлар болалар ихтиёрига бериб қўйилган. «Вахшивор», «Вандоб», «Чашма», Х. Кулниёзов номли оромгоҳлар ўзининг табиий жойлашиши, кулайлиги, мафтункор табиати билан кўпчиликни ўз бағрига чорламоқда.

Вилоятдаги 15 та доимий, 48 та мавсумий оромгоҳларда 19 минг нафар ўғил-қизлар ёзги таътилни ўтказяпти. Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган болалар бепул дам олишади. Бундан ташқари, чегара қўшинлари сафида хизмат қилаётган юрт посбонларининг болаларига ҳам худди шундай имтиёзлар берилган.

Сурхондарё вилояти,
«Туркистон-пресс»

Mulohaza

АБИТУРИЕНТ ВА ТЕСТ

Тарих фанидан тестлар тузишда ҳам дарслик ва қўлланмаларга суяниб иш юритилмоқда. Кейинги йилларда бундай китоблар пайдо бўла бошлаган бўлсада, бироқ адабиётлар етишмовчилиги ҳали ҳам сезилиб турибди. Шунга қарамай тарихчилар имкон қадар аниқ маълумотларни танлаб олиб, улардан тест тузишда фойдаланмоқдалар. Айрим ҳолларда ўрта мактаб дарсликларида қандайдир сабабларга кўра воқеалар қалбакилаштириб юборилади ёки маълум чалкашликларга йўл қўйилади. Натижада тарих дарсликларида камчилик ва нуқсонлар юзага келади. Бундай вазиятда дарсликдаги маълумотларни аниқ манбалар билан солиштириш зарурлиги кўзда тутилади. Мана шу ҳолатларга эътибор бергандагина тест саволини мукаммал тузиш мумкин.

Тест саволлари ва уларга муқобил жавобларни тузувчи тарихчи-ўқитувчилар ўрта мактаб дастурига асосланишади. Дастур доирасидан ташқарида бўлган тест саволлари эса қабул қилинмайди. Тест топшириқларининг тўғри жавоби дастурга мувофиқ бўлишига кўпинча эътибор берилади. Саволга мувофиқ келувчи жавоблар дастурдан четда бўлган манбадан олиниши мумкин, бироқ унинг ҳам ўз чегараси ва меъёри бор.

Энди ўқувчилар, абитуриентлар ва уларнинг тест топшириқларини ўзлаштиришлари масаласига қайтсак. Маълумки, 1995 йилдан ҳозирги кунимизга қадар абитуриентлар учун тестлар «Ахборотнома»лар орқали ҳавола қилиниб келмоқда. Бу уларнинг журналдаги савол ва жавоблар устида мустақил ишлашлари учун бериладиган имтиёздир. «Ахборотнома»даги тест саволлари ва уларнинг муқобил жавобларидан ўқувчи дастур сифатида фойдаланиши мумкин. Бироқ жуда кўп абитуриентлар ўзларига репетитор ёки ўқитувчи ёллаб, улардан тайёр жавобларни олишиб, қуруқ ёд олиш йўли билан тест жавобларини ўзлаштириш йўлини танлашмоқда. Айниқса тарих фанидан «Ахборотнома»даги жавобларни хотирада сақлаб қолиш ва имтиҳонни шу усулда топшириш кенг қулоч ёйиб кетди. Ўқитувчи ёки репетиторлар орасидан мавзу бўйича дарс ўтадиган, тарихий воқеани тўғри тушунтириб берадиган, ҳар бир жараённи изоҳлаб бераётганлар саноқли бўлиб қолди. Бундай ҳолат ҳамон ҳукм сурмоқда. Тестнинг аниқ жавобини ёдлаб олиб олий ўқув юртига кирган ва студент бўлган ёшлар учун юқоридаги усул уларнинг билим савиясига салбий таъсир кўрсатиши турган гап эди. Тарих фанидан йил, саналарни ёдлаш зарар қилмаса-да, бироқ тарихий саналар моҳиятини тушунмаслик ҳолати сақланиб қоляпти.

1999 йилда имтиҳонлар учун мўлжалланган тест топшириқлари ва уларга муқобил жавоблар қисман ўзгартирилди. Иккинчидан, бу йилги мавсумда тест саволлари ва жавоблари имтиҳон жараёнига қисман жорий қилинди. Натижада, олдинги йилларга нисбатан бу йилги тест якунлари бошқача манзара касб этди.

Абитуриентларнинг кўпчилиги илгаригидай жавобларни қуруқ ёд олиб, тест варақаларини белгилаб чиқишган. Жуда озчилик абитуриентлар эса савол ва жавобларни ўқиб, тушуниб, чуқур мулоҳаза қилиб, тўғри жавобларни топа олганлар. Энди «Ахборотнома»да мавжуд тест саволининг аниқ жавобини китобдан топиб олиб, ёки репетитор белгилаб берган жавобни хотирада сақлаб тест топширганлар орасидан кўпчилиги 1999 йили «Ахборотнома»ларда чоп этилган ва имтиҳон пайтида қисман ўзгартириб берилган тест саволининг жавобига журналда кўрсатилган тўғри жавобларни белгилашган. Ваҳоланки, битта мавзу ва ҳатто бир бетнинг ўзидан олинган бир тест саволининг ўзгартириб берилишига эътибор қаратилмаганлиги абитуриентнинг мавзуни яхши ўзлаштирмаганлигини кўрсатиб туради. Кўп миқдорда эга бўлмаган шундай саволларнинг тўғри жавобини белгилаганлар тахминан 20-30 фоиз атрофидадир.

Четдан киритилган тест топшириқлари орасида содда, мураккаб бўлмаган саволлар ва уларнинг муқобил жавобларини ўзлаштириш ҳам қониқарли эмас. Оддий, ҳамма тушунадиган савол, масалан Сирдарёнинг қадимги номи нима? Албатта Яксорий бўлади. Бунинг жавобига эса илгариги «Ахборотнома»ларда чоп этилган Зарафшон, Амударё сингари дарёларнинг қадимги номлари белгиланган.

Тест имтиҳонлари натижаларидан сўнг, олий ўқув юртига киролмаган абитуриентлар билан мулоқот пайтида шу нарса аён бўлдики, ҳақиқатдан ҳам абитуриентларнинг қарийб 70-80 фоизи ўз ўқитувчилари белгилаб берган жавобларга асосланишар эканлар. Тахминан 10-20 фоиз ўқувчиларга тарих фанидан мавзулар бўйича ўзлаштиришнинг қониқарли эканлигини ҳис этиш мумкин. Абитуриент ўз репетитори берган жавобни тўғри деб оёқ тираб туриши, ёки айримларнинг тарихий воқеаларни 7-8 асрга чалкаштириб юбориши эса уларнинг тарих фанини ўзлаштириши қониқарли эмаслигини кўрсатади. Бу ҳақда кўп мисоллар келтириш ва ёзиш мумкин. Муҳими эса маслаҳатлар бериш керак.

Эндиликда абитуриент мактаб дастурига мувофиқ хоҳ Ўзбекистон, хоҳ жаҳон тарихи бўлсин мавзуларни босқичма-босқич, даврма-давр ўқиб ўзлаштириши, ўқитувчи ёллаган тақдирда эса ундан тарихий воқеаларни тушунтириб беришини талаб қилиши шарт. Тестлар орқали тарихни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш мумкин. Бу усул тарихимизни ўзлаштиришга кенг имкониятлар беради. Тест бир мавзу ёки бир саволнинг кўп қирраларини очиб беришга қулайликлар яратади. Бу билан биз Ватанимиз тарихи, аждодларимиз ўтмиши ҳақида кенг тасаввур ва тушунчага эга бўламиз.

Бобур АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди

КАСБ МАҲОРАТИ БАЙРАМИ

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури келажакда юксак касб маданиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга қаратилган. Ёшларимизни ижодий фаол, юқори билимли, касбий малака ва кўникмаларни эгаллашга интилувчан, мустақил меҳнат ҳаётига тайёр қилиб тарбиялаш бугунги кунда ҳар бир таълим муассасасининг вазифаси эканлиги аниқ. Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси услубиёт хонаси ташаббуси билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўтказилган "Энг яхши мутахассис" кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадларга йўналтирилди.

Кўрик-танловнинг дастлабки босқичи Собир Раҳимов туманидаги 19-касб-ҳунар мактабида "Тикувчи-бичувчи" мутахассислиги бўйича ўтказилди. Унда жами 20 та таълим муассасаси вакиллари қатнашиб, шахсий таркибда Нодира Азизова (Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи), Юлдуз Фармонова (4-бизнес мактаби), Нодира Ғиёсова (19-касб-ҳунар мактаби) каби ўқувчилар ғолиб бўлдилар. Байрамона безатилган мактаб саҳнаси, тест топшириқларини бажаришга мўлжалланган махсус хоналар ҳамда тикувчилик устахоналарида танлов иштирокчиларининг назарий ва амалий билимлари ҳар жиҳатдан синалди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари, ўқитувчи-мураббийлари ижодий меҳнатининг натижаси — турли хил моделларнинг ажойиб кўргазмаси тадбир мазмунини бойитиб, унинг кўркига кўрк қўшди. Ғолибларга "Pfaff Singer" фирмасининг махсус совғалари тақдим этилди.

Иккинчи босқич "Бўёқчи-сувоқчи" мутахассислиги бўйича Ҳамза қурилиш коллежида бўлиб ўтди. Бу танловда қурилиш соҳасига йўналтирилган 7 та жамоа вакиллари иштирок этди. Қурилиш-коммунал коллежидан Азизхон Абдулхўжаев, Ҳамза қурилиш коллежидан Сардор Саидназаров, 2-касб-ҳунар мактабидан Алишер Шодиевлар ғолибликка муносиб деб топилдилар. Уларнинг назарий билимлари тест топшириқлари орқали, амалий кўникма ва малакалари махсус деворни сувоқлаш ҳамда бўяшда аниқланди. Касб маҳорати танлови натижаларига кўра, мазкур босқичда 1-ўрин қурилиш-коммунал коллежи, 2-ўрин Ҳамза қурилиш коллежи ва 3-ўрин Миробод саноат касб-ҳунар коллежи жамоаларига насиб этди.

Шунингдек, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежида "Ошпаз-қандолатчи", Тошкент автомобиль йўллари техникумида "Автомобиль ҳайдовчиси" мутахассисликлари бўйича энг яхши касб эгалари ўзаро беллашдилар. Танлов ниҳоясида Гулзина Пернебаева (Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи), Татьяна Приходько (5-бизнес мактаби), Александра Баканова (8-бизнес мактаби)лар энг яхши "ошпаз-қандолатчи"лар, Ботир Мирворисов ҳамда Ниғмат Шукуров (Автомобиль йўллари техникуми)лар энг яхши "автомобиль ҳайдовчи"лари деб эътироф этилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, автомобиль ҳайдовчиларининг амалий машқлари давлат автомобиль назоратига қарашли полигонда ўтказилиб, унда Тошкент шаҳар ДАН бошлиғининг ўринбосари, полковник Ш.Абдиев иштирок этди. Танлов натижаларига кўра, амалий машқлардан "аъло" баҳо олган, назарий билимлари юқори баҳоланган ғолибларга ҳайдовчилик гувоҳномалари топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу касб маҳорати танлови, чин маънода ҳар бир иштирокчи учун катта байрамга айланди. Зеро, бу тадбир нафақат бир кунлик байрам, балки ҳар бир ўқув даргоҳининг ёш авлод касбий тайёргарлиги борасида қўйган муҳим қадамларидан бири ҳам бўлди.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Суратларда: Танловдан лавҳалар.

Seminar

ТАЪЛИМ РАВНАҚИ ЎҚИТУВЧИГА БОҒЛИҚ

Барча фанлар қаторида информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан Давлат таълим стандарти қабул қилинди ва дастур яратилди. Дастур муваффақият билан тажриба синовидан ўтди. Информатика ўқитувчилари олдида турган навбатдаги вазифа яратилган дастурни ДТС талабига мос ҳолда, яъни билим, тушунча ва кўникмаларни ўқувчилар онгига етказишда ўзларининг билим ҳамда маҳоратларини ишга солишдир. Шу маънода яқинда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанини янги дастур асосида ўқитиш ва ДТС талабларини бажариш учун нималарга эътиборни қаратиш кераклигини фикрлаб олиш ва услубий ёрдам бериш мақсадида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида «Информатика фанини ўқитиш жараёнида ўқитувчиларнинг дарсга ижодий ва фаол ёндашувини амалга ошириш муаммолари» мавзусида республика амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинар аввалида ижодкор ўқитувчиларнинг очиқ дарслари билан танишилди. ИҲТА фанини ўқитишдаги аҳвол ва вилоятда фанни ўқитиш самарадорлигини ошириш учун амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Иноятова «Информацион технология — давр талаби» мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг РТМнинг информатика ва ахборот банки бўлими бошлиғи Б.Болтаев «Давлат таълим стандарти ва янги дастурни амалиётда қўллаш» ҳақида фикрлар билдириб, семинарга тайёргарлик даврида Сурхондарё вилояти туманларида кузатилган мактабларнинг ўқитиш услуби, ўқувчилар билимини текшириш мақсадида ўтказилган тест натижалари ва кейинги йилларда республика олимпиада босқичида ИҲТА фанидан иштирок этган ўқувчиларнинг олган баллари юқори эмаслиги ҳамда бу ерда вазирлик томонидан ташкил этиб келинаётган «Ёш информатиклар» ёзги мактабига эътибор сустлиги ҳақида батафсил тўхталди.

Халқ таълими вазирлигининг касбга тайёрлов, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармаси бош мутахассиси Я.Мустапакулов «Педагогик дастур воситаларини яратишда Броузерлардан фойдаланиш технологияси», Халқ таълими вазирлигининг Касбгача тайёрлов, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи С.Алиев «Республика мактабларини компьютерлаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари» мавзуларида маъруза қилдилар.

Энг муҳими, анжуманда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш йўллари муҳокама этилди. Шу билан бирга ушбу семинар дарслик муаллифлари учун ўзига хос мактаб вазифасини ўташи, чунончи, бу ерда республика информатика ўқитувчиларининг талаб ва эътирозларини ўрганиш, такомил мезонларини аниқлашга имкониятлар яратилишини мамнуният билан қайд этдилар.

Семинар якунида Денов тумани ўқитувчилари анжуман иштирокчилари томонидан билдирилган дил сўзлари учун миннатдорчилик билдиришиб, улар информатика ўқитувчилари олдига қўйилаётган улкан вазифа ва масъулиятни юксак даражада адо этиш учун барча куч ва имкониятларини ишга солажагини айтдилар.

М.МАҲКАМОВ,
РТМ информатика ва ахборот банки бўлими бошлиғи муовини



Bu sizning kitobingiz — o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

ҚЎЛЛАНМАГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида барча фанлардан Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари тажриба-синовлар натижасида яратилди.

Ҳозирги кунда янги ДТС ва ўқув дастурлари амалиётга босқичма-босқич жорий этилмоқда. 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб - 7-синфларда жорий этиладиган география курси "Туркистон табиий географияси"дан янги ДТС ва ўқув дастури талаблари асосида яратилган ўқув қўлланма "Ўқитувчи" нашриёти томонидан чоп этилди. (Муаллифлар П. Ғуломов, Ҳ. Ваҳобов, А. Ҳасанов).

Ўқув қўлланма Туркистон табиий географик ҳудудининг ер юзаси (рельефи)нинг тузилиши, табиий географик ўрни, иқлими, табиати, текширилиш тарихи, ўлканинг табиий географик туманлари ҳақида ўқувчиларнинг пухта билим олишларига яқиндан ёрдам беради.

География фани бўйича чоп этилган бошқа дарсликлардан бу ўқув қўлланманинг фарқи, унда шу курснинг ўқитилиши давомида ўқувчилар билиб олишлари зарур бўлган табиат комплекслари, ҳудуд бўйича уларнинг алмашиниши, табиий географик районлаштириш тамойиллари, географик хариталар, атласлар, глобуслар, улар билан ишлаш, вақт ўлчовлари, соат минтақалари, тақвимлар, ер юзасининг ривожланиш тарихи, геохронологик жадвал каби муҳим географик билимлар ва тушунчалар бўйича мавзулар ёритилган.

Ўқув қўлланмада Туркистон ҳудудининг текширилиш тарихи юзасидан бой материаллар берилган бўлиб, ҳудуднинг текширилишига ҳисса қўшган олимлар, уларнинг асарлари, тадқиқотлари йиллар бўйича материаллар содда тилда ўқувчилар ёшига мослаб берилган бўлиб, уларнинг ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир.

Ўқув қўлланмада ҳар бир матн бошланишида шу мавзу билан боғлиқ саволлар берилиб, матн якунида шу мавзу юзасидан саволлар ва топшириқлар ДТС ҳамда ўқув дастурларида белгиланган минимал талабларни ўқувчилар онгида шакллантиришга қаратилган ва фаннинг кейинги курсларни ўқитилишида зарур бўлган географик билимлар баён этилган.

Мавзулар янгиликларга бой, сермазмун бўлиб, билимлар содда тилда тушунарли, баёни бетакрор, билимларнинг изчиллиги, узвийлиги ўқувчилар ёшига мос ҳолда бўлиши учун муаллифлар экспериментатор ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларини инобатга олиб, келажакда қўлланмага қайта тузатишлар киритсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Негаки, дарслик баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. Чунончи, қўлланманинг 23-бетидаги расм керакли, аммо уни фақат мутахассисларгина тушунади. Ваҳоланки, қўлланма ўқувчилар учун ёзилган. Шунингдек, 20-21-расмларда ноаниқликлар мавжуд, ёзувларини ўқиб бўлмайди. Муқовада эса Ватанимиз табиатига оид слайд жуда хира берилган, ўқувчини ўзига жалб эта олмайди...

Барибир, ўқув қўлланмада илова этилган расмлар, слайдлар, хариталар, схемалар, топографик хариталар, космосдан олинган фотослайдлар, жадваллар ўз ўрнида мавзулар мазмунига мос ҳолда матн орасида илова этилгани методик жиҳатдан ўқувчи ва ўқитувчиларнинг қўлланма билан ишлашларига қулайлик яратади. Шунингдек, ўқув қўлланмада берилган Туркистон ҳудуди бўйича энг баланд чўққилар, катта дарёлар, йирик кўллар, сув омборлари, қўриқхоналар ва миллий боғлар, улардаги ўзига хос маълумотлар ўқувчиларнинг ҳудуд бўйича кенг қамровли географик билимлар олишларига хизмат қилади.

Қисқаси, ўқув қўлланма Давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурида белгиланган билимлар минимумини ўқувчиларга етказишда муҳим восита бўлиб қолади.

М. ТИЛЛАБОЕВА,
РТМ кимё-биология ва география бўлими бошлиғи муовини,
М. АБДУЛЛАЕВА,
Т. ГУЛМИРЗАЕВА,
география фани ўқитувчилари

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Устоз отангдан улуғ дейдилар. Унинг босган ҳар бир қадамини, амалга оширган ишларини шогирди олтинга тенг билмоғи даркор. Чунки ота ўғлини тарбиялаб, вояга етказадиган бўлса, устоз уни маънан ўстириб, катта ҳаёт бўсағасига муносиб шахс сифатида олиб чиқади.

Шундай ажойиб инсонлардан бири, республикамизда йирик тилшунос олимлар қаторидан жой олган Иноғомжон Расулов эди. У киши агар ҳаёт бўлганларида айни дамда 75 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Олимнинг илмий ва педагогик фаолияти Қўқон Давлат педагогика институти билан боғлиқ бўлиб, 1942-1982 йилларда шу институтда проректор, ректор лавозимларида ишлади. Шу вақт мобайнида ўзбек тилшунослигининг лексикология, синтаксис, ўзбек тилини ўқитиш методикаси соҳаларида тадқиқот ишларини олиб бориб, «Ўзбек тили лексикаси» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

И. Расуловнинг илмий фаолияти кўп қиррали бўлиб, ўз ишига астойдил қизиқувчанлик билан ёндашгани учун жуда кўп муваффақиятлар қозонди. Жумладан, ўзбек тилини ўқитиш методикасига оид ишларида орфография масалаларини ёритди. Профессор М. Мирзаев, С. Усмонов билан ҳамкорликда педагогика олий ўқув юртларининг педагогика факультетлари учун «Ўзбек тили» дарслигини яратди. Дарслик ихчам, лекин анча мукаммал бўлиб, ҳозиргача 4 марта нашр қилинди.

Педагогика олий ўқув юртларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари учун жуда муҳим бўлган «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили стилистикаси» курслари бўйича нашр қилинган дарсликлар ва ўқув дастурларининг муаллифларидан бири ҳисобланади.

Олим бу борадаги тинимсиз ва тўхтовсиз изланишлари ҳосиласи ўлароқ, ўша даврларда, яъни 1970-йилларда йирик тилшунос олим А. Ғуломов раҳбарлигида ҳозирги ўзбек адабий тилида содда гап структураси бўйича муваффақиятли тадқиқот ишларини олиб борди ва бу борада қатор илмий мақолалар эълон қилди. Олимнинг якуний ишлари сифатида «Ҳозирги ўзбек тилида бир составли (бир бош бўлакли) гаплар» (1974) монографияси нашр этилиб, орадан бир йил ўтгач, мазкур мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгани унинг кейинги давом эттиражак ишларига катта имконият яратди.

И. Расулов ҳаётдан эрта кетган бўлсалар-да, у кишининг шогирдлари ва фарзандлари илм чироғини ёқиб келмоқдалар.

И. СУЛАЙМОНОВ,
И. ПЎЛАТОВ

Ал-Бухорий ақл-идроки, зеҳни ўткир бўлиб, турли фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллаган. Ўн ёшида Қуръони Каримни ёддан билган.

Доктор Данилов юртингизда ўтказган қисқа сафар таассуротларини юксак қадрлайди. Шу боисдан ҳам ҳамкорликнинг иккинчи қадами сифатида Америкадан 100 дона ишчи компьютерларни ЎзДЖТУ аудиторияларига келтирилишида ўз ҳиссасини қўшди.

Ajdodlarimiz

УЛАР БУ УЛУҒ УНВОНЛАРГА ВА БУЮК НОМЛАРГА ЛОЙИҚ

Ҳадис (арабча «ҳадис» - ривоят, ахборот етказиш) – Расулуллоҳ (с.а.в.)-нинг турли шароитларда шариат аҳкомларига айтган сўзлари, Пайғамбаримизнинг ўз умматларига берган кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар мажмуи бўлиб, ислом динида Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас манбадир.

IX асрга келиб, бир-бирига зид ҳадислар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги сабабли, улар орасидан ишончли ҳадисларни ажратиб олиш зарурати туғилди. Шу тариқа, бутун ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган олтита ишончли ҳадислар тўплами («Ас-сиҳоҳ ас-ситта») юзага келди. Диққатга сазовор томони шундаки, мазкур тўпламларнинг муаллифлари бўлмиш Имом ал-Бухорий(810-870), Имом Муслим ибн ал-Ҳаж-жож(819-874), Исо ат-Термизий(824-892), Имом Сулаймон Сижистоний(817-880), Имом Аҳмад ан-Насоий (830-915), Имом Муҳаммад ибн Можжа(824-886) каби буюк муҳаддисларнинг деярли барчаси Ўрта Осиёдан бўлган.

Имом ал-Бухорий. Тўлиқ исми *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуафий ал-Бухорий* бўлиб, 810 йил 20 июлда Бухорода дунёга келади (Бошқа боболаримиздан фарқли ўлароқ, ал-Бухорий туғилган санани унинг отаси ўз қўли билан ёзиб кетган. Шу сабабли бу сананинг аниқлигига шубҳа йўқ). Ал-Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсади. Ақл-идроки, зеҳни ўткир бўлиб, турли фанларни, айниқса, ҳадис илмини зўр қизиқиш билан эгаллаган. Ўн ёшида Қуръони Каримни ёддан билган.

Умри давомида Макка, Мадина, Ҳижоз, Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод, Нишопур каби шаҳарларда умр кечириб, фиқҳшунослик, ҳадисшунослик фанлари бўйича таълим олади, баҳсларда қатнашади, дарс ҳам беради. Нишопурлик олим Ал-Ҳакимнинг ёзишича, ал-Бухорий 90 га яқин етук муҳаддислардан таълим олган. Имом ал-Бухорий ҳориждан қайтгач, ўз ватани –Бухорода ҳадис илмидан сабоқ бериш билан шуғулланади. Бироқ бир неча ҳасадгўй, фитначилар кўплиги туфайли Бухоро амири билан алоқаси бузилиб қолади ва амир ғаразгўйларнинг гапига кириб, Ал-Бухорийга шаҳарни тарк этишни буюради. Олим Самарқандга йўл олиб, шаҳар яқинида жойлашган Ҳартанг қишлоғи(ҳозирги Пайариқ тумани)да арафа куни, аниқроғи, 870 йил 1 сентябрда ўз шогирдлари даврасида вафот этади.

Имом ал-Бухорий «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»(«Ишончли тўплам»), «Ал-адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Ат-таърих ал сағий», «Ат-таърих ал-авсот» («Ўртача тарих»), «Ат-таърих ал-кабир» («Катта тарих»), «Китоб ал-илал» («Нуқсонли ҳадислар китоби»), «Барр ул-волидайн» («Ота-онани ҳурматлаш»), «Китоб ал-ашриба» («Ичимликлар китоби»), «Китоб аз-Зуафо» («Заифлар китоби»), «Асомий ас-саҳоба» («Саҳобалар исмлари»), «Китоб ал-куна» («Ҳадис ровийларининг исмлари ҳақида китоб»), «Ал-қироату ҳалфа-л-имом» («Имом ортида туриб қироат қилиш»), «Рафъу-л-йадайни фи-с-салоти» («Намозда икки қўлни кўтариш»), «Ал-жомеъ ал-кабир» («Катта ҳадислар тўплами») каби 20 га яқин асар ёзган. Бу асарлар ичида энг муҳими, шубҳасиз, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»- дир. Асар «Саҳийҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам маш-ҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини киритган бўлса, у юз минглаб ҳадислар орасидан 7275 та энг ишончли ҳадисларни ажратиб олган. Манбаларга (ривоятларга эмас) қараганда, Имом ал-Бухорий 100 минг саҳиҳ ва 200 минг ғайри саҳиҳ (!) ҳадисни ёддан билар экан.

Бошқа буюк мутафаккир боболаримиз сингари Исмоил ал-Бухорий ҳам юксак таърифларга сазовор бўлган. Унга ҳадис илмида «**Амир ал-мўминийн**» («Мўминлар етакчиси») деган ном берилган. Шогирдларидан Муҳаммад ибн Юсуф(845-932) «Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»ини ўзларидан 90 минг киши эшитган», дейди. Яна бир шогирди Абу Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий айтади: «Имом ал-Бухорийнинг Бағдоддалик вақтларидаги дарсларига мен ҳам қатнашардим. Шунда йигирма минг талаба ҳозир бўлар эди». Амр ибн Фаллос эса «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдир», деган эди.

Собиқ Иттифоқ даврида таъқиб остига олинган ал-Бухорий номи мустақиллик йилларида қайта тикланди. 1998 йилда Президент Фармони билан буюк алломанинг 1225 йиллик таваллуд куни кенг нишонланди, унинг мақбараси қайта қурилди. Президентимиз айтганидек: «Шу кунларда улуғ бобомиз руҳини шод этиш, ҳаёти ва илмий меросини тарғиб қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар Имом ал-Бухорийнинг номи ва асарлари асрлар оша барҳаётлигидан далолатдир».

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Ислом оламида ўчмас из қолдирган бу буюк мутафаккир бобомизнинг тўлиқ исми *Абу Исо Муҳаммад ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Суламий ат-Термизий* бўлиб, 824 йилда Термизда туғилган ва Буғ қишлоғи(ҳозирги Шеробод тумани)да 892 йили вафот этган.

Болалигидан ўта зийраклиги, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги билан ажралиб турган Ат-Термизий ўз билимларини ошириш учун Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка, Мадина, Нишопур шаҳарларида илм-фаннинг турли соҳалари — илм ал-қироат, илм ал-баён, фиқҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшлигидан қизиққан ҳадис илмини пухта ўрганди.

Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «Ал-Жомиъ»(«Жаъмловчи»), «Аш-шамоил ан-набавийа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фил-ҳадис» («Ҳадислардаги оғишишлар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилофлар ва баҳслар ҳақида рисола»), «Ат-Таърих» («Тарих»), «Китоб аз-Зуҳд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ул-асмо ва-л-куна» («Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб») каби асарлари шулар жумласига киради. Имом ат-Термизий ҳадисларни 3 гуруҳга ажратган: саҳиҳ, ҳасан, заиф. Бу билан ат-Термизий ҳадиснинг ишонарлилигини аниқлашда яна бир босқичга кўтарилган.

Ат-Термизий сазовор бўлган улуғ номларга келсак, у «Энг нуфузли ва мўътабар муҳаддис» деб тан олинган. Ат-Термизийнинг устози Имом ал-Бухорий унинг ҳадисларни синчиклаб ўрганишдаги нодир қобилиятини, тақводаги устунлигини эътироф этган эди. Айтишларига қараганда, Ат-Термизий ҳам, Ал-Бухорий ҳам бирор ҳадисни эшитса, айнан ўша ҳадисни яна етти кишидан эшитгачгина уни «ишончли» деб топганлар. Ҳофиз Умар ибн Алак Ат-Термизий ҳақида «Имом Бухорий вафот этиб, бутун Хуросонда, илмда, тақвода ва зуҳдда Абу Исо Ат-Термизийга тенг келадиган зотни ўзидан кейин қолдирмади», деган эди. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан Ат-Термизийнинг исмига ад-Дарийр, Абу Саад Абдулкарим ас-Самъоний (1167) «Ал-Ансоб» асарида ёзишича, Буғ қишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий тахаллуси қўшиб айтилган.

Азиз муштарийлар! Биз бу улуғ мутафаккирларимизнинг нафақат ҳаётини, балки улар қолдирган бебаҳо мерос — ислом оламидаги энг ишончли ҳадисларни ҳам ўрганишимиз ва уларга амал қилишимиз лозим. Қуйида улардан парчалар келтирилмоқда:

«**Саҳийҳ ал-Бухорий**»дан: «Қўли ва тили билан бировга озор бермаган киши чин мусулмондир», «Мўминларнинг афзали ҳулқ-атвори яхшироғидир», «Гуноҳларнинг энг каттаси — Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлишликдир».

«**Жомиъ ат-Термизий**»дан: «Кимки ёлғон сўзлашни, бошқа бировга бўҳтон қилишни қўймаса, унинг тутган рўзасига Аллоҳ таоло муҳтож эмас», «Кимки кичикларга раҳм-шафқат қилмаса ва катталарга иззат-ҳурмат кўрсатмаса, биздан эмас», «Пора берувчи ва уни олувчини лаънатланглар».

Эслатиб ўтамиз, газетанинг келгуси сонларда буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Ботиржон ҒОФУРОВ тайёрлади.

Bizning suhbat

Президент Ислом Каримов "Fidokor" газетаси мухбири саволларига жавобларида — "Сир эмас, фаолиятимизда кишига жуда ғалати туюладиган бир камчилик бор. Амалдаги давлат ва жамиятимиз қурилишида, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизни шакллантиришда мутлақо янгиянги қадамлар қўйилмоқда, замон талабларига ҳамоҳанг ўзгаришлар рўй бермоқда, аммо мактаб ва ўқув юртларида болаларимизга, эртага бизнинг ўрнимизни босиши лозим бўлган ўз фарзандларимизга даққиюнусдан қолган дарслик ва китоблар асосида билим ва тарбия бермоқдамиз. Бундай ачинарли ҳолатларга барҳам бериш вақти келди" - дея бугунги таълим тизимининг энг нозик ҳамда муҳим жиҳатига ўз муносабатини билдирган эди. Бунга жавобан интилиш, ташаббус бор жойда таълимни, хусусан олий таълим тизимини замонавий технология ва адабиётлар билан таъминлаш бўйича хайрли ишларга қўл урилмоқда. Қуйида Академик ривожланиш бўйича Марказий Осиё ва Америка ҳамкорлиги ташкилоти директори жаноб Альберт Фредерик ШЕНКЕЛ билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда.

ТИЛ ДИЛГА ЙЎЛ ОЧАДИ

— Мухтарам жаноб Шенкел, газетхонларимизда Сиз бошқараётган ҳамкорликдаги ташкилот ҳа-кида кенгроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун унинг бугунги фаолиятига қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Академик ривожланиш бўйича Марказий Осиё ва Америка ҳамкорлиги ташкилотининг мақсади унинг номланишидан ҳам кўриниб турибдики, эзгу ва ўзаро муштарак. Аниқроқ айтадиган бўлсак, дунё ҳамжамиятида кузатилаётган интеграция жараёнларини кенгайтириш, икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантириш, илғор фан ва техника ютуқларидан фойдаланишда мамлакатлар ўртасидаги тафовутни камайтириш ва ҳоказо. Ҳозирга келиб ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистонда таълим ва медицина соҳалари бўйича фаолиятни йўлга қўйди. Ҳар икки йўналишда ҳам илмий салоҳият Ўзбекистонда юқори эканлигини эътироф этиш ўринли бўларди. Ташкилотимиз таълим тизимига алоҳида эътибор берар экан, ҳар бир ҳамкор мамлакатдаги илмий салоҳиятни, фан ва техникага доир назарий билимларни, қолаверса, мутахассисларнинг малака даражасини жуда яхши ҳис қилади. Ва шу асосда ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб олади. Марказий Осиё мамлакатлари бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатишга тайёр, албатта. Бунинг учун ушбу минтақада қадимий, ижтимоий асос ҳам бор. Лекин айни давр — ўтиш даври бўлиб, ёш мустақил давлатлар учун иқтисодий тикланиш, сиёсий-ижтимоий мўътадилликка эришиш, маънавий юксалиш масалалари ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Академик ривожланиш бўйича Марказий Осиё ҳамда Америка ҳамкорлиги ташкилоти худди шу масалаларда Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишдан, кўмаклашишдан манфаатдордир.

— Ижозатингиз билан суҳбатимизни кўпнинг кўнглига яқин мавзу, ҳар қандай ҳамкорликнинг-да асоси бўлган ТАЪЛИМ, ИЛМ борасидаги муносабатлар хусусида давом эттирсак. Ташкилотнинг Ўзбекистон билан шу йўналишдаги ҳамкорлиги бугун қай даражага етди, умуман ўзаро алоқалар самара бераяптими?

— Таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бу бевосита Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамда АҚШнинг Бостон Университети ўртасида ўрнатилган дўстлик алоқаларига бориб тақалади. Америкадан Николас Данилофнинг ЎзДЖТУга ташрифи билан ҳамкорликнинг дастлабки қадами ташланган эди. Ана ўша кезларда ҳар икки томон самарали музокаралар, суҳбатлар олиб боришга эришган. Ўзаро фойдали алоқалар боғлашга катта умид билдирилган. Доктор Данилоф юртингизда ўтказган қисқа сафар таассуротларини юксак қадрлайди. Шу боисдан ҳам ҳамкорликнинг иккинчи қадами сифатида Америкадан 100 дона ишчи компьютерларни ЎзДЖТУ аудиторияларига келтирилишида ўз ҳиссасини қўшди. Буни ўзаро ҳамкорлик алоқаларнинг ёрқин келажагига бўлган ишонч белгиси дейиш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистондаги бир олий ўқув юртининг мустақил равишда жаҳонга чиқиб, халқаро муносабатларда бошқаларнинг дилига йўл топа олаётганининг натижаси бу. Таълим бўйича ҳамкорлик нима учун айнан шу тиллар университети негизида олиб борилаётганига тўхталадиган бўлсак, аввало тил масаласи сизу биз учун ҳам муҳим. Университетда катта замин – тилларни билиш, таҳлил қилиш, ўзлаштириш ва мунтазам ўрганиб бориш механизми шакллантирилибди. Билишимча, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети сўнгги йилларда ўз мавқеини кескин оширишга эришган. Тайёрланаётган кадрлар сифати, уларнинг жараёндаги самараси йилдан-йилга юксалиб бораётгани ҳам бунга сабаб бўлса, ажабмас. Фикримни давом эттириб, яна бир нарсани Сизларга баён қилмоқчи эдим. Менимча, ўзбекларда бир гап бор: сувни сингган (шимган) жойга сепишади. Биз ҳамкорлик масаласида ҳамма билим даргоҳлари билан ишлашга тайёрмиз. Лекин навбатдаги ҳамкорликни биз яна ЎзДЖТУ билан амалга ошираётганимизнинг бир сири бор: у ҳам бўлса, бу университет ҳозиргача Фулбрайт ва Жон Темплтон грантларини олишга муваффақ бўлди ва уларни амалга оширишда мазкур ташкилотлар кўзда тутган натижаларга эришди. Хусусан Жон Темплтон гранти биринчи бор АҚШ университетларидан чет элга чиқиб, ЎзДЖТУга келди. Мазкур грантлар асосида университетнинг 200 га яқин талабалари халқаро маркетинг ҳамда менежмент асосларини эгаллашга муваффақ бўлдилар. АҚШнинг давлат департаменти томонидан берилаётган навбатдаги грант ҳам ана шундай амалга оширилади деган умиддаман.

— Жаҳон интеграциясининг моҳияти турли халқлар ва миллатлар турмуш даражасидаги, яшаш тарзидаги "нотекислик"ларни бартараф этишдан иборат, дейлик. Илмий ёки академик ривожланиш бўйича ҳамкорлик томонлар учун фақат наф келтиради, дейиш тўғрими?

— Саволингизга лўнда қилиб жавоб бермоқчиман. Ҳар қандай ҳамкорликнинг ҳам натижаси қўйилган мақсад ва қилинган саъй-ҳаракатга боғлиқ. Ўша мақсад нақадар эзгу бўлса, ҳамкорликдан шу қадар кўп наф кўриш мумкин. Қайсидир тилни билишнинг ўзи кўп нарсани белгилайди. Демоқчиманки, бирор шахснинг, миллат ёки халқнинг кўнглига йўл топмоқчи бўлсангиз, қалбига қулоқ тутмоқ истасангиз албатта, умумий тилни топа олиш шарт. Умумий тил сизнинг она тилингиз бўлмаслиги мумкин, лекин она тили сиз учун айни дамда янада азизроқ, жонбахшроқ эканлигини ҳис қила олишингиз керак. Дунё халқлари турмуш даражасининг турли-туманлиги, ривожланишдаги кескин фарқ инсониятнинг юксак тараққий этган шарт-шароитларга эга бўлишига монеълик қилади. Масалан, қайсидир минтақада иқтисодий ҳамда иқлим билан боғлиқ юқори потенциал табиий равишда мавжуд, бошқа жойда бундай имкониятнинг чекланганлиги ривожланишнинг янги йўлларини излашга ва топишга мажбур этади. Академик ривожланиш бўйича ҳамкорлик ташкилоти ана шу изланишларга кенг йўл очади. Нафақат Америка, балки бутун дунё Ўзбекистондаги тарихий илмий меъросни чуқур қадрлайди. Бу ер қадимдан илм-фан ва маданият бешиги сифатида жаҳонни лол қолдириб келган. Яқинда бизнинг ташкилотимиз Америкадан бир гуруҳ етакчи мутахассисларни Ўзбекистонга тажриба алмашиш учун (6 ҳафтага) келишини режалаштирган. Бундан ташқари, бу ердан маҳаллий мутахассислар, жумладан, журналистлардан 6 нафарини АҚШда малака ошириб қайтишлари учун 200000 доллар қўшимча маблағ ажратишга эришдик. Ўйлайманки, бу ҳаракатларимиз ҳам, харажатларимиз ҳам ўзини оқлайди. Мутахассисларнинг ташқи дунё билан, у ердаги таълим, фан ва маданият, иқтисод ва сиёсат билан бевосита танишиши уларга солиштириш имконини беради. Бу ерга келадиган ёки у ёққа борадиган киши ўзи яшаб турган жамият билан ташқи дунё ўртасидаги ўзига хос умумийликларни, фарқли жиҳатларни, керак бўлса ижобий ёки салбий тафовутни яхши фарқлай олади, келгуси фаолиятида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида аниқ хулосаларга келиши осонроқ бўлади. Бунинг учун тил билиш яна муҳим восита сифатида намоён бўлади. Шу боис, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун танлаб олинадиган соҳа вакилларига чет тилини билиш шарти сақлаб қолинади. Токи уларнинг ҳар бири ўз йўналишида ташқи дунёга чуқурроқ кира олсин.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Фахриддин КАРИМОВ суҳбатлашди

Суратда: А. Ф. Шенкелнинг ЎзДЖТУга ташрифидан лавҳа.

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

КЕЛАЖАК МУРАББИЙСИ

Ta'lim fidoyilari

Навоий вилояти Нурота туманидаги Ғозғон қишлоғи пойтахтимиздан анча узоқда жойлашган. Тўрт тарафи кўркам тоғлар билан ўралган бу сўлим қишлоқ қадим тарихга эга. Ушбу масканнинг ўзига хослиги бу ердаги инсонлар феъл-атворида, юриш-туришида кўринади. Бу бобомерос тупроқда вояга етаётган ёшлар билимга чанқоқлиги, изланувчанлиги билан ажралиб туради. Қишлоқ ана шу меҳнатсевар ёшлар меҳнати билан кундан-кунга чирой очиб, шаҳарчага айланмоқда.

Қишлоқнинг кўпгина ёшлари республикамизнинг турли шаҳарларида таҳсил олишади. Шаҳарда қолиб меҳнат қилаётганлари ҳам кам эмас. Лекин улар ҳеч қачон ўзлари туғилиб ўсган қишлоқ ва унинг меҳрибон инсонларини ёддан чиқаришмайди.

Мустақиллик байрами арафасида қишлоққа хушхабар тарқалди. Ёшларнинг севимли устозларидан бири — Холбону Исроилова ҳукуматимиз томонидан "Шуҳрат" медалига сазовор бўлди. Бу хушхабарни қишлоқдошларига биринчи бўлиб пойтахтда ўқиётган ёшлар — устознинг шогирдлари етказишди. Бу мураббиянинг кўп йиллик меҳнати самараси эди.

Холбону Исроилованинг Ғозғондаги 6-ўрта мактабда бошланғич синфларга таълим бераётганига ҳам 30 йилдан ошди. Шу боис, Холбонуни Ғозғондаги деярли ҳар бир хонадон ўз устози сифатида ҳурмат қилади. Чунки у фарзандларнинггина эмас, балки кўпчилик ёш ота-оналарнинг ҳам устозидир.

У 1968 йили 6-ўрта мактабни кумуш медал билан тугатиб, шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Маълум сабаблар билан бир йилни ўтказиб, Бухоро педагогика институтига ҳужжатларини топширган Холбону синовлардан муваффақиятли ўтиб, "Бошланғич таълим методикаси" факультетининг талабаси бўлди.

Инсон ўз мақсади, орзуси учун астойдил курашса, унга албатта эришади. Бир муваффақиятга эришиш эса янгиданянги курашларга, изланишларга чорлайди. Ўз касбини севиб, унинг янги қирраларини очиш учун меҳнат қилиш — ўша инсонни ўз касбининг ижодкорига айлантиради. Ана шундай истеъдодга эга бўлган Холбону Исроилова ҳамиша ва ҳамма ерда муваффақият қозонди. Воя-га етаётган навниҳол болалар шуурида она-Ватан, табиат, ҳаёт ҳақидаги илк тасаввурни, муқаддас туйғуларни уйғотиш ва уларни жонлантириш — бошланғич синф ўқитувчисидан самарали меҳнатни талаб этади.

Шу меҳнатлари туфайли у дастлаб "Катта ўқитувчи", "Методист ўқитувчи" унвонларига, сўнгра "Халқ таълими аълочиси" нишонига сазовор бўлди.

— Ёш болага қаттиққўл бўлиш яхши натижа бермайди, — дейди ўқитувчи. — Бола кичкиналигидан эркинликка ўргатилиб борилса, келажакда ўз фикрини айтишда қийналмайди ва иккиланмайди. Унда ўзига бўлган ишонч туйғуси уйғонади ва энг асосийси, қўрқмас бўлиб ўсади.

Ҳукуматимизнинг чекка бир қишлоқ ўқитувчиси, камтарин ва меҳнатсевар мураббиясини мукофот билан тақдирлагани қишлоқ аҳли учун байрамга айланди. Биз ишонамизки, бундай байрамлар ҳали кўп бўлажак. Негаки, Холбону Исроиловани ўзининг устози деб биладиган ёшлар жуда ҳам кўп. Устоз таълими ёшларнинг Ватан тараққиёти учун хизмат қилишларида ҳамиша йўлдош бўлажак. Зеро, келажак ёшлар қўлида.

Ш.НИШОНОВ

"МИСР — 8 МИНГ ЙИЛЛИК МАДАНИЯТ БЕШИГИ" МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

МИСРГА БЕПУЛ САФАР ЙЎЛЛАНМАСИ (у сафар йўл харажатлари, у ерда 4,5 юлдузли меҳмонхоналарда туриш, еб-ичиш, мамлакат бўйлаб саёҳат, унинг барча осори атиқаларини томоша қилиш сарф-харажатларини ўз ичига олади). Ана шундай йўлланма "Маърифат" газетасининг қуйидаги ўқувчиларига насиб этди:

1. РАҲМОНОВ ТОҲИР, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Охунбобоев жамоа хўжалиги, 16-бригада. Алоқа бўлими бошлиғи.

2. САИДУМАРОВА ГУЛСАРА, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Улуғбек жамоа хўжалиги, "Қизил Шарқ" қишлоғи.

Шунингдек, яна бир ўқувчимиз — МИРАБДУЛЛАЕВ СОҲИБЖОН (Андижон вилояти, Қорасув шаҳар, Наврўз кўчаси, 75-уй) рангли телевизор соҳиби бўлди.

Мусобақа ғолибларига мукофотлар шу йилнинг 20 июль куни соат 18.30да Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси 4-уйда жойлашган «Байналминал маркази»да тантанали равишда топширилади. Шу муносабат билан ўша куни республикамизда кўзга кўринган эстрада хонандалари иштирокида концерт намойиш этилади. Мусобақа ғолиблари кўрсатилган вақтдан ярим соат аввал келиб, рўйхатдан ўтишлари илтимос қилинади.

ТЕХНИК ТЎГАРАК ТАРАҚҚИЁТИ

Республикамизнинг кўпгина жойларида таълим соҳаси бўйича жорий йилда талайгина ишлар амалга оширилаётгани маълум. Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази ҳам шулар жумласидан бўлиб, унинг таркибидаги тўгаракларда амалга оширилаётган синов-эксперментал ишларда самарали ютуқлар кўзга ташланмоқда.

Марказда, асосан ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини бевосита ҳисобга олган ҳолда ўқитиш муддатининг моддий негизи, ўргатилаётган турли касб-ҳунарнинг ўзига хос ва мос бўлган сифат даражаларини аниқлаб бориш дастлабки шартлардан ҳисобланади. Бунинг ўзи эса техник ижодкорлик бўйича мактабдан ташқари таълим тизими масалаларини янада самаралироқ амалга оширишни таъминлаб, ўқувчи-ёшларнинг олам, техника, технология ҳақидаги тушунчалари тез ва аниқ шаклланишига яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам техник ижодкорлик талабларига унинг меъёрларини ўзлаштириш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини кўрсатувчи хулқ-атворга қўйилган бир қатор талаблар амалда муваффақиятли олиб борилмоқда. Буни биз бевосита республикамизда барча мактабдан ташқари муассасалар фаолиятининг пировард натижалари бўлган ўқувчилар билими, кўникмаси, малака ҳамда шахсий фазилатларининг ўсиб бораётганлигидан ҳам яққол сезишимиз мумкин.

Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказининг ютуқларидан бири шуки, ҳозирда кенг омма: ўқувчи-ёшлар, мутахассислар, ота-оналар ўртасида кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш, техник йўналишдаги касблар ҳақидаги билим ва тушунчаларни ташвиқот этиш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Бундаги энг асосий мақсад мактаб ўқувчиларининг техник ижодкорлик фаолиятига ижтимоий ҳаёт ҳамда ташқи муҳитга ҳар томонлама мослашувини, ҳозирги замон талабларига мос янги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган техник жиҳатдан билимли шахсни тарбиялаш, айниқса, ўқувчиларда техникага бўлган қизиқишни секин-аста ошириб, келгусида маънавий ҳис-туйғуларни уйғотишга қаратилгандир.

Маълумотларга кўра, ҳозирда техник ижодкорликка қўйилган талаб-истакларни тузишда марказ услубчилари ва тўгарак раҳбарлари ижтимоий муҳит хусусиятларини ҳисобга олиб, объектнинг яхлитлик тизимини сақлаган ҳолда унинг мураккаблигини камайтириб, таълим соҳасидаги муҳим босқичлар билан техник ижодкорлик стандартининг ўзаро боғлиқлигини янада такомиллаштириш ҳамда бу соҳада эришилган натижаларни тадрижий назорат қилиш имкониятларининг мавжудлигига асосланганлар.

Дарҳақиқат, юқорида зикр этилган тамойилларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши мактабдан ташқари таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда бевосита демократлашишга қаратилган энг муҳим воситалар қаторига киради, десак янглишмаган бўламиз.

Жумҳурият ўқувчилар техник ижодиёти маркази ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ёшларга ҳар томонлама таълим-тарбия бериб, айниқса, мактабдан ташқари бўлган кенг қамровли ишларнинг энг фаол иштирокчиси саналади.

Техник ижодкорлик ҳужжатлари турли марказларда лойиҳа характерида бўлиб, республика халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш, техник ижодкорлик марказлари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тажриба, ютуқлар тўплаш жараёнида кўплаб аниқликлар ва тузатишлар киритилади, белгиланган талаб ҳамда меъёрлар мажмуаси сифатида қўлланилади.

Ҳозирги даврда ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги (мазмунан ташкил этиш шакллари нуқтаи назаридан), ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш бўйича ихтирочилик фаолияти, яъни таълим-тарбия жараёнини ўстиришга қаратилган техник жиҳозлар, кўргазмали қўлланмалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва тайёрлаш, шунингдек, барча умумтаълим мактабларининг ихтисосликлари бўйича буюмлар тайёрлаш каби йўналишларда кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда ушбу марказда бир қанча тўгараклар ўз фаолиятини олиб бораётган бўлиб, I-III клублар бўйича ташкил этилган.

Юқорида санаб ўтилган талаб ва қоидалар, тўгаракларнинг ижодий фаолияти педагогика тизимига негиз сифатида олиниб, мустақил равишда ҳунар турларини танлашлари учун шароит яратиб беради.

Техник ижодиёт марказларида мустақил касб-ҳунар танлашга қаратилган ижодий фаолият (албатта қизиқиш жиҳатидан) кўрсатиш тизимининг мазмуни ва педагогик тажриба-синов ишлари натижалари «техник ижодкорлик тўгараклари, клублари, шўъбалари фаолиятининг мезонлари» номли бўлимда ўз ифодасини топган. Ҳозиргача қилинган ишларнинг хулосалари, тажрибалари шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг илмий-техник тўгараклар ва бирлашмаларда турли йўналишдаги касблар бўйича тайёргарлик даражасига қўйилган ўртача талабларнинг ҳам ҳар томонлама сифатли бажарилишига алоҳида аҳамият берилмоғи қайд этилмоқда.

Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида техник ижодкорлик тўгараклари фаолиятининг самарадорлигига муҳим аҳамият бериш, тўгарак қатнашчиларининг мустақил равишда касб-ҳунар танлашлари учун муҳим кўрсаткич сифатида уларда шаклланган техник билимлар, кўникма ва малакалар, шунингдек, ижодий қобилиятларни ўзлаштирганлик даражасидан фойдаланиш марказнинг энг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳозирда ушбу масканда мақташга арзигулик кўп ишлар қилинмоқда. Айниқса, тўгараклларда ўргатилган объект, техника, технология жараёни, ўзлаштирилган билимларни мустақил равишда хатоликларга йўл қўймасдан қайта кўрсатма бериш, ижодий билим ва иш ҳаракат усулларини эгаллаш, уларни объектлар моделларини конструкциялаш жараёнида қўллай билишда салмоқли ютуқларга эришилган.

Бунинг ҳосиласи ўлароқ, бевосита ўқувчи-ёшлар билан ишлашда кенг қамровли ишлар, аҳамиятга молик ютуқлар қўлга киритилди. Шунингдек, ушбу масканда ҳунар ўрганмоқчи бўлган йигит ва қизларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам сўзимизга далил бўла олади.

Т. ҚОРАБОЕВ, Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази директори

Кузатишларда 1000 нафар боладан 86,2 фоизи ўзларининг бўш вақтларини телевизор ёнида ўтказишларини айтганлар.

Қаттиқ курашлардан сўнг Германия 2006 йилги футбол бўйича Жаҳон Кубоги мусобақаларини ўзида ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ta'kid

БОЛАЛАР ТЕЛЕВИЗОРНИ КЎП КЎРМАСИН

Ҳозирги замон кишисининг ҳаётини телевизорсиз тасаввур қилиш мушкул. Телевизорнинг ўзига тортиш кучини ўрганиш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилган социологик кузатмалар жуда қизиқ натижалар берган. Масалан, Америкада чиқадиган "Детроит фри пресс" газетаси ўз ўқувчиларидан 120 нафар оилага: "Сиз агарда бир ой мобайнида телевизор кўрмасангиз, биз 500 доллардан пул берамиз" деб мурожаат қилишади. Бу тажрибада иштирок этиш хоҳишини фақатгина 27 оила изҳор қилади, холос. Бир ой кузатиш эса шуни кўрсатдики, 5 оилада телевизор билан банд бўлмаслик, "бўш вақтнинг" кўплиги орқали эр-хотинлар ўртасидаги можаролар кескин кўтарилган. Бўш вақтни қандай ўтказишни билмаган эркаклар эса чекиш ва ичишга ружу қўйган.

Шу билан бирга тажрибада иштирок этаётган оилаларда фойдали ўзгаришлар ҳам пайдо бўлгани аниқланган. Улар нисбатан кўп кино-театрларга, қариндош-уруғларникига ва дўстларникига борадиган булган. Айрим оила бошлиқлари ўз болалари ва рафиқаларига яқинроқ бўлиб, яхши муносабатда бўлишган. Газета яна шу нарсани алоҳида кўрсатиб, тажрибада ютиб чиққан иштирокчи ғолиблиги учун берилган мукофот пулига янги телевизор сотиб олганини айтган.

Бизнинг мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтказилган текширишлар аҳолининг телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар билан яхши таъминланганликларини аниқлади. Мана шу кузатишлар ҳар 100 оиладан 98 тасида телевизор борлиги, оилалар моддий таъминотининг яхши эканлиги ҳақида мисол бўлади.

60-йилларнинг бошида турли мамлакатларда телевизорнинг болалар аудиториясига таъсирини ўрганиш мақсадида кузатиш олиб борилган эди.

Бунда болаларнинг йил давомида телевизор олдида ўтказган вақтлари ўрта ҳисобда 500 соатдан то 1000 соатгача бўлар экан, бошқача қилиб айттанда, улар бир йил давомида мактабда неча соат ўқисалар, телевизор олдида ҳам мана шунча ўтирар эканлар.

Кузатишларда 1000 нафар боладан 86,2 фоизи ўзларининг бўш вақтларини телевизор ёнида ўтказишларини айтганлар. Ҳақиқатан, "зангори экран" мухлислари ичида 11 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар кўпчиликни ташкил қилади. Улардан кейинги ўринда кичик мактаб ёшидаги, қоларверса мактабгача ёшдаги болалар турар эканлар.

Хўш, телевизорнинг бу қадар ўзига тортиш кучининг ортиб боришига асосий сабаб нима?

Кўпчилик олимлар бу ҳақда илмий-техникавий тараққиёт даврида кишининг ташқи дунёдаги ўзгаришларни, кундан-кунга ортиб бораётган ва турли хилдаги информацияларни қабул қилишда кўриш органи — кўзнинг аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлашмоқда.

Ҳақиқатан, ҳозирги кунда биз ташқи ахборотнинг 60 фоиздан ортиқроғини кўзимиз орқали қабул қиламиз. Ваҳоланки, инсоният ўзининг илк тараққиёт даврида кўпроқ эшитиш органига суяниб ҳаёт кечиргани барчага маълум.

Айрим ота-оналар болаларнинг телевизор дастурларини қайси вақтда, қандай кўрсатувларни кўришлари фойдали эканлиги ёки бўлмаса тартибсиз телевизор кўришлари уларнинг организмига салбий таъсир қилиши ҳақида ўйламайдилар.

Телевизион кўрсатувларни ёшлар эътиборига мос ҳолда ташкил қилиш жуда муҳимдир, акс ҳолда тартибсиз кўриш болаларнинг тўла шаклланмаган организмларининг толиқишига, шу билан бирга ухлаш, овқатланиш, дам олиш режимларининг бузилишига олиб келади.

Масалан, ёшларга мўлжаллаланмаган тунги дастурларни кўрган боланинг секин-аста уйқу режими издан чиқиши табиийдир. Бундай ҳолларнинг тез-тез такрорланиши борабора болалар саломатликларига катта зарар келтирувчи ҳолатга — ўта чарчашга олиб келади. Натижада марказий нерв системасида мураккаб органик ўзгаришлар содир бўлиши мумкин ва мактаб ёшидаги болалар ўртасида катталарда учрайдиган касалликлар тез-тез кузатилади.

Ўта чарчашга дучор бўлган болалар тез толиқадиган, инжиқ, сал нарсага ҳам йиғлайдиган бўлиб, иштаҳалари ҳам кескин пасайиб кетади.

Телевизион кўрсатувларни тартибсиз кўриш болаларнинг хотирлаш қобилиятларига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Чунки бирор нарсанинг хотирада яхши қолиши учун маълум шароитнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Овози кўтарилган телевизор ёнида дарс тайёрлаётган боланинг ўқиётган дарсларини яхши ўзлаштириши ҳақиқатдан узоқдир. Чунки бундай ҳолларда болага бир вақтнинг ўзида бир қанча факторлар: тез-тез ўзгариб турган кадрлар, шовқин ва бошқалар салбий таъсир қилиши табиий.

Телевизор олдида сурункали қўзғолмасдан ўтирадиган болалар кам ҳаракат қиладиган бўлишади. Бундайларнинг организмида модда алмашуви ва бир қанча физиологик процесслар издан чиқиб, уларнинг керагидан ортиқ семириб кетишларига сабаб бўлади. Афсуски, ҳозирги кунда мана шундай кўнгилсиз ҳолни мактаб ёшидаги болалардан тортиб катта ёшдаги болалар ўртасида ҳам тез-тез учратиш мумкин.

Телевизион кўрсатувларнинг бола организмига таъсири ҳақида гап борар экан, яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Кузатишлардан шу нарса аниқландики, айрим оилаларда бир вақтнинг ўзида 2 та ёки 3 та телевизор қўйилиши аниқланган. Болаларнинг саломатлигини эътиборга олганимизда бундай қилиш зарарлидир. Чунки, ҳали ўз вақтини тўғри чамалашга ўрганмаган бола ўзининг ўта қизиқувчанлиги туфайли ҳар бир кўрсатувни кўришга ошиқади, натижада кўнгилсиз оқибатлар содир бўлиши мумкин.

Ҳурматли ота-оналар, болалар саломатликларини ҳисобга олган ҳолда, фақат уларга мўлжалланган кўрсатувларнигина кўришлари фойдали бўлиб, тартибсиз кўришлари зарарли эканлигини унутманг.

Ҳеч қачон телевизорларнинг овозини баланд қилиб қўйишга ўрганманг. Бунинг натижасида бора-бора болаларнинг эшитиш қобилиятлари пасайиб, асаб-нерв системасига салбий таъсир қилиши мумкин.

Давримизнинг мўъжизаси ҳисобланмиш зангори экрандан ўз вақтида тўғри фойдаланиш болаларнинг дунёқарашини ўстиришга катта ёрдам берса, ундан сурункали, тартибсиз фойдаланиш зарар келтиришини унутмайлик.

Тоҳир АБДУРАҲИМ ўғли

БИЗГА ДИЙДОР КЕРАК

Бундан 20 йил аввал улар шу даргоҳдан мустақил ҳаёт томон қадам босишган эдилар.

Дўстлар дийдорини кўришга нима етсин. Чироқчи туманидаги 1-мактабни 1980 йилда битирган синфдошлар яқинда мактабда учрашдилар. Бир-бирини бағрига босиб, дил соғинчини яшира олмаган дўстлар ҳол-аҳвол сўрашдилар. Оилалари, хонадонлари, фарзандлари ҳақида бир-бирларига гапириб бердилар. Собиқ синфдошлар ўзлари ўқиган синфга кириб, мактабда ўқиган даврларини эслаб бошланғич синф ўқитувчиси 72 ёшли Ҳадия Орипова билан суҳбатлашдилар.

— Мен бугун 20 йилдан буён кўриша олмаган синфдошларимни ҳам кўриб қувончим ичимга сиғмаяпти. Биз бир-биримизга яқин синфдошлар эдик. Ҳеч қачон камчиликларимизни билдирмай, уларни тўлдириб борар эдик. Энди ҳаммамиз тез-тез учрашиб, мана шу мактабга ҳам қўлимиздан келганча ўқув қўлланмалар, таъмирлаш ишларига кетадиган бўёқлар билан ёрдам қилишга келишиб олдик, — дейди Чироқчи туманидаги Амир Темур оромгоҳида ҳисобчи бўлиб ишлаётган Холиқ Эшбоев.

20 йиллик синфдошлар ўзларига илм берган устозларини ҳам таклиф қилишиб, мактаб директорига ва устозларига совғалар топширдилар.

Суратда: синфдошлар учрашувидан лавҳа.

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Xullas...

"ЮВИШ" ТАТИМАДИ

Ўт ўчирувчиларда ёнғин ҳодисасининг содир бўлишини кузатмаган бўлсангиз керак. Тракас (Таллин) шаҳри ўт ўчирувчилари барча шароитлари бадастир бинога кўчиб ўтишган ва буни "ювишаётган" эди. Қаердандир оловнинг чарсиллаган товуши қулоққа чалинганини ўт ўчирувчилардан бири сезиб қолди.

Ўт балосидан худонинг ўзи асрамаса, қийин! Оловнинг ўрлашига нима сабабчи бўлганикин? Шошқалоқ қурувчилар том устидаги зарурат учун ёқилган ўчоқни ўчиришни унутишган экан. Чўғдан учқунлар гоҳ у, гоҳ бу ердаги қоғоз парчаларига "сачраб" том усти, сал ўтиб, бутун бино олов гирдобида қолди.

Ўт ўчирувчиларнинг олов балосини бартараф этгунча она сутлари оғзидан келди. Яхшиямки, бинонинг қолган қисми сақлаб қолинди. Акс ҳолда кўркам бир бино оддий лоқайдлик "қурбони" бўлиши турган гап эди.

ДАРЁ ТАГИДАН ... ТЕЛЕВИЗОР

Санкт-Петербург шаҳридан унчалик олисда бўлмаган Майка дарёсини тозалашга киришган ғаввослар сув тагидан бундай топилмалар чиқишини мутлақо кутмаган эдилар. Уларнинг мақсади дарё тагидаги балчиқ ва хасларни тозалаш, шу тариқа сувни шаффоф қилиш эди. Махсус тозаловчи машиналар биринчи куниёқ кўз кўриб, қулоқ эшитмаган "ўлжа"ларни тортиб чиқара бошлади: чойнаклар, тоғоралар, иситиш батареялари, яна алламбало темир-терсаклар! Энг қизиғи бутун бошли телевизор чиққанида, дарё тозаловчиларнинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлди! Ажабо!

Майка дарёси қачонлардир шаҳар марказидан оқиб ўтган ва суви кўз ёшидай тиниқ, жозибадор эди. XVIII асрдаги Россия императори Анна Ивановна сув омборлари ва дарёларининг ифлосланишига йўл қўймаган. Кейинчалик эса қатъий тартибнинг йўқолиши туфайли шаҳарликлар Майкага дуч келган нарсани улоқтиришган.

Анна Ивановна давридаги назорат қайтадан ўрнатилса, чакки бўлмас экан.

ДАВОЛОВЧИ ДАРАХТ

Африкадаги Нигера дарёси водийсида ўсаётган дарахтнинг даволаш хусусияти борлигини ерлик аҳоли қайта-қайта таъкидламоқда. Миш-мишлар Францияга ҳам етиб келди. Шу мамлакат журналисти Мишел Саган ва суратқаш Анри Ловернинг Африкага саёҳати бу дарахт чиндан ҳам шифобахш эканлигини кўрсатди.

Саган қалқонсимон безнинг шишиб кетиши, яъни бўқоқ касаллигидан, Ловер эса кўзлари хиралашишидан азоб чекишарди. Беморлар тарвақайлаб кетган дарахт атрофини бир неча бор айланиб чиқишди, журналист нималарнидир ён дафтарчасига қайд қилди, суратқаш расмга туширди. Сўнгра уларни уйқу элтди.

Уйқудан сайёҳлар шу қадар тетик туришдики, Мишелнинг бўқоғи йўқолиб, бўйни ўз холига келганди. Анри эса кўзойнаксиз борлиқни равшан кўра бошлади.

"Баноэр" газетаси муҳарририяти камдан-кам учрайдиган бундай ғаройиб ҳодисани мутахассислар ҳар томонлама ўрганишлари лозимлигини таклиф этишмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport

АНТАЛИЯ ЧОРЛАЙДИ

Эртага Туркиянинг Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича II жаҳон чемпионати бошланади. Маълумки, жаҳоннинг энг кучли курашчилари билан гиламга ўзбекистонлик уч полвон — Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов ва Эрали Маҳмарасуловлар чиқадилар. Полвонларимизга омад тилаб қоламиз.

ФРАНЦИЯГА 85 МИЛЛИОН

Евро—2000 ғолиблари 85 миллион доллар пул мукофоти олдилар. Чемпионлик унвони 9 миллион келтирган бўлса, қолган қисми чипталар сотиш, телетрансляция, ҳомийлар маблағларини ташкил этди. Италия 8,3 миллион, Голландия ва Португалия 6,3 миллион доллар миқдоридаги мукофот билан тақдирланди.

КЕЧИНОВ ИСРОИЛДА

«Пахтакор», «Спартак» (Москва) жамоалари собиқ ҳужумчиси Валерий Кечинов энди Исроилда тўп суради. «Спартак»даги кетма-кет муваффақиятсизликлардан чарчаган Кечинов Москвадан кетишга қарор қилиб, Иерусалимнинг «Бейтар» клуби билан 3 йилга 1,5 миллион долларлик шартнома имзоладди.

САМПРАС РЕКОРДИ

Энг нуфузли теннис турнири — Уимблдон турнирида америкалик Пит Сампрас еттинчи бор ғолиб чиқди. Шу пайтгача ҳеч бир теннисчи мазкур турнирда шунча марта ғолиб бўлмаган эди. Сампрас финалда австралиялик Патрик Рафтерни тўрт сетда мағлуб этди.

ГЕРМАНИЯ — 2006

Қаттиқ курашлардан сўнг Германия 2006 йилги футбол бўйича Жаҳон Кубоги мусобақаларини ўзида ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бразилия ўз номзодини қайтариб олгач, Марокаш Цюрихда бўлиб ўтган овоз беришнинг биринчи турида, Англия 2-турида «ўйиндан чиқди». Финалда ЖАР ва Германия қолиб, унда немислар 12:11 ҳисобида ғолиб чиқишди.

maydonchasi

МАКТАБ ВА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Аҳоли сонининг тобора ўсиб бориши, оммавий туризмнинг тез ривожланиши кишиларнинг табиатга муносабати экологик маданият асосида бўлишини талаб қилади. Агарда болалар гулзор ёки манзарали жойларда гулларни узиб, шўхлик қилса, қўлидаги тўр билан капалак ва ниначиларни ушлаб нобуд қилса, бу оила ва мактаб тарбиясидаги катта нуқсондир. Агарда одамлар дам олган жойларда ўчирилмаган гулхан, турли-туман ахлат қолдиришса, бу уларнинг ўта маданиятсизлиги, табиатни муҳофаза этиш бобидаги фуқаролик масъулиятини сеза олмасликларининг аломатидир. Шунингдек, ёш ниҳолларни синдириш, кўкаламзорларни пайҳон қилиш, ифлослаш ҳодисаси саводсизлик ва маданиятсизлик белгисидир. Табиат қучоғида бўлиб, ундан бир бахра, завқ олишни, хордиқ чиқаришни ҳамма хоҳлайди. Лекин, афсуски айрим кишилар табиат бойликларидан тўғри, оқилона фойдаланишни яхши билмайдилар. Шунинг учун ўқувчилар, талабалар ва ёшларни табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Бу соҳада фан ўқитувчиларидан ташқари жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда фуқаролар ҳам кўп иш қилишлари мумкин. Паррандаларга қирон келтирувчи овчи ёки бозорда пуллаш мақсадида билан қир-адирларда лола териб, пайҳон қилувчи шахслар жиноятчи, табиат душманига айланади.

Бизнинг мактабимизда экологик таълим ва тарбияни ўқувчиларга сингдиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчиларга табиатшунослик дарслари асосида таълим ва тарбия берилиб, экологик таълимнинг нима эканлиги тушунтирилади. Мактабимизда 500 туп мевали дарахт, 3000 туп терак, 200 туп ток ўқувчилар томонидан парвариш этилмоқда. Бу йил токлар ҳосилга кирди. Эрта баҳорда 150 туп мевали дарахт кўчатлари экилди.

Ҳозирги кунда экологик билимга эга бўлган ўқувчиларимиз табиат қўйнига саёҳат уюштириб, олган билимларини мустаҳкамлашмоқдалар. Мактабда бошланғич синфдан бошлаб, экологик таълимнинг асосий моҳиятини, теварак-атрофга, табиатга бўлган жавобгарлик муносабатини ўқувчиларда шакллантириш муҳим ишдир.

Х.ЖУМАНОВ,
Қарши шаҳридаги 40-ўрта мактаб директори

Ko'ngil bitiklari

. . .

Табассуминг бамисли гулхан,
Оташида ёнарман абад.
Жамолингнинг жилваси ҳаргиз,
Тасаввурга сиғмайдиган бахт.

Ҳижронларга қолдириб узоқ,
Тараддудга тушсанг кетмоққа,
Чирмовуқдай чирмаб олар ғам,
Ҳолим етмас шеър ҳам битмоққа...

. . .

Қуёш уфққа қўйган каби бош,
Ёр кўксимга қўйди бошини.
Жизиллади кўксим ловиллаб,
Ҳасрат ичра тўкиб ёшини.

Хўрликларга барҳам бер дунё!
Садоқатга қучоғинг очгин!
Қалт-қалт титрар қўлим майсадай,
Силарканман оқарган сочин.

. . .

Ҳижрон азобидан тўпланган армон,
Қалбимда чайқалар денгиздай ҳамон.
Тонгдаги шабнамдай покдир дилимиз,
Токай сиримизни сақлармиз пинҳон.

МУҲАББАТ

Муҳаббат — нақадар суюмли туйғу,
Қизарган олмадай кўзларга яқин...
Қизарган олмадай қизлар ҳуснида
Кўз-кўз айлагайдир гўзал сувратин.

Муҳаббат — фаввора кўкка интилган,
Баҳайбат харсанглар бағрини ўйиб.
Майсага ўхшайди кўм-кўк кўклаган,
Булоқ сувларига сийнасин кўмиб.

Муҳаббат — азобдир, йўлиқсанг қаттиқ
Қийноқларга солгай ишқ фариштаси.
Муҳаббат — илоҳий ажиб мўъжиза —
Дилларни боғловчи ҳаёт риштаси.

Муҳаббат — қадимий эски афсона,
Юракни ларзага солгувчи китоб.
Ҳижрон дамларида мадад бергувчи,
Маъшуқ хаёлида этгувчи бетоб...

Муҳаббат — қуёшдай, ундан-да юксак,
Кўксингда сўнмасдан абадий ёнар.
Тақдирни парчалаб ташлашга қодир,
Хиёнат қилмасдан яшолсанг агар.

. . .

Ғунча лабидаги шабнам сен томон,
Тилла исирғадай япроқ сен томон.
Тортиб бормоқдадир ишқ гирдобига,
Покиза юраклар муштоқ сен томон.

Тўрақобил ЖУМАНАЗАРОВ,
ўқитувчи

. . .

Болалигим шўх ва тўпори
Чангитганча ўтди кўчани.
Қий-чувлашиб тўзғитиб қорни,
Тўлдирганча ойдин кечани.

Ҳурпайтирган салт тойчоқ ёлин...
Шум қилиқлар кўзлардан нари.
Не бўлса ҳам ўзимдан олдин
Уйга етиб келмиш хабари.

Отам койир ношуд ўғлини,
(Бир кун мен ҳам одам бўларман).
Қўл келди-ю, қаттиққўллиги
Асраб қолди ёмон йўллардан.

Дардкаш отам,
Раҳматли отам,
Андишани қиламан хотир.
Синчков боқар, кўнгил безовта,
Тушга кириб олар хавотир.

Таъқиб этар, ёнар-куйинар:
«Тартибсизлик нечун ҳовлида?
Бормай қўйдинг худо уйига,
Хабар олгин онанг ҳолидан...»

Мўмин АВАЗОВ,
Сирдарё шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси

The Open Society Institute Assistance Foundation
Uzbekistan

CALL FOR PROPOSALS

The Central European University Center for Policy Studies (CPS) is calling for proposals for its year 2001 International OSI Policy Fellowships (IPF) program, which is affiliated with the CPS and the Open Society Institute-Budapest. The fellowships are intended to support analytical policy research and to provide Fellows with professional policy training.

All applications must be submitted in English online at **htt://www.osi.hu/ipf/apply.html.** by August 1, 2000. Fluent English required.

Questions should be addressed to the IPF office (fellows@osi.hu; 361 3273863).

Қишлоқда тонг отмоқда. Ён-атрофдаги ҳовлилардан хўрозлар қичқириғи эшитиляпти. Одатдаги юмушларимни бажариб, нонуштадан сўнг фарзандларимни мактабга жўнатдим. Сўнгра ўзим ҳам ишга йўл олдим. Касбим муаллимлик. Мактабга етгунимча турли хил воқеаларнинг гувоҳи бўламан. Бугун ҳам шундай бўлди. Мактабга етай деганимда бир тўп бошланғич синф болалари муаллимаси томон ошиқиб, югуриб етиб келишди.

— Ассалому-алайкум опа, — чуғурлашди улар. — Опажон, калитни беринг, биз бугун навбатчимиз. Фаррош аёл ичкарига қўймаяпти, бирга олиб кириб кетасиз-а, — деди жамалак сочли қиз.

— Мен ҳам кираверай, — ялинди яна бири.

Ўқувчиларнинг чуғур-чуғурини тинглаб кўнглим алланечук бўлиб кетди. Улар юрагим тубида ётган хотираларни қўзғаб юборишган эди. Ҳалиҳунуз эсимда. Бошланғич синфда бизларга Фотимахон ая Тошматова исмли муаллима сабоқ берган эдилар. Аянинг ёшлари анча улуғ эди. Дунёнинг ишларини қарангки, шу аёл менинг онамга ҳам бошланғич сабоқни берган эканлар. Улар жуда ҳам меҳрибон, ширинсухан эдилар. Аянинг оёқлари ногирон бўлгани учун оқсоқланиб қадам ташларди. Уйлари мактабдан 10 дақиқалик йўл. Бизнинг дафтарларимизни катта қора сумкаларига солиб, уйига олиб кетиб, текшириб келардилар. Биз ҳам ўзимизни юқорида қайд қилинган ўқувчилардек тутардик. Бир томондан аяни ҳийналмасин деб, иккинчи томондан калитни олиш илинжида аянинг уйларигача борардик. Биз 3-синфда ўқирдик. Февраль ойи эди чамаси. Фотимахон аяни мактаб жамоаси нафақага кузатди. Бир синф боланинг кўзи жиққа ёш, гўё азиз бир кишимиздан айрилиб қолгандек. Кейинчалик аянинг олдига бориб турдик. Сўнгги қўнғироқ куни эса, ҳаммамиз аянинг хонадонини тўлдириб юбордик. Муаллиманинг кўзларида бир олам қувонч. Мен мана энди тушунаяпман аянинг бу ҳолатини. Устоз учун шогирд камолини кўриш юксак бахт экан, унинг ютуқларидан ғуюнар, агар турмушда қоқилса куюнар экансиз. Мактабни битириб ҳаммамиз тарқаб кетдик. Айримлар олийгоҳларга кирдилар, кўпчилик ишга жойлашди. Бир-икки йил ичида оилали бўлганлар ҳам бўлди. Умр оқар дарё экан. Бизлар ҳам оилали бўлгандан сўнг турмуш икир-чикирларига ўралашиб қолдик. Аяни эса йўқлай олмадик. Куни қазоси етиб, Фотимахон ая оламдан кўз юмдилар.

Менинг кўнглимни ҳамон бир савол қийнайди. Нега аядан кейин хабар олмадик? Нега?

Марваржон ТОЖИБОЕВА,
Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси

ЭЪЛОН

Узбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиддинов номли академик лицей томонидан 1998 йилда Кузиметов Шуҳрат Шавкатбекович номига берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг меҳнат ўқитувчиси Дилором Носировага волидаи муҳтарамаси

МАЪСУДА аянинг вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия изҳор қилади.

"Маърифат" газетаси жамоаси шу газета ҳисобчиси Карима Тоштемировага падари бузруквори Султон ота МИРЗАҲАКИМОВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА ва Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Беҳбуд БОТИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-617. Тиражи 19.687.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.